

Имтиҳондан олдинги дуолар



17:59 / 31.07.2017 92891

Савол:

Ассалому алайкум! Ҳурматли устозлар, мен 3 ҳафтадан кейин имтиҳон топшираман. Бу ҳаётимдаги энг муҳим жараёнлардан бири. Шу сабабли динимизда имтиҳондан олдин қилинадиган дуо ёки ибодатлар борми? Жавоб учун олдиндан раҳмат.

"Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати:

Ва алайкум ассалом!

Бу борада суннатда муайян белгилаб берилган дуолар келмаган. Сиз ҳадисларда хабари келган дуолар ижобат бўладиган вақтларда пешонани саждага қўйиб чин дилдан сўранг.

اَلْاِقْمَلَسُوْهُوَعَلَّعُجَلَلِ اِلَّصَّيْبِنَلْنَعُوْهُعُجَلَلِ اِيضَرَرَزِيْرُهُ اِيْبَانَع
اِقْبَبِيْنِيْح اِيْنْدَلْاَمَّسَلِ اِيْلِيْلَلْكَ اِيْلَاعَتَوَكْرَابَت اِنْبَرْلُرُنِي
اِيْنُاَسِيْنَم اُوْبَبِيْحْتَسْاَف اِيْنُوْعُدِيْنَم اِلُوْقِي اِيْرُخ اِلْاِيْلَلْاُتْلُت
عَبْرَالْاُوْر اُوْر اِيْنُفْعُاَف اِيْنُفْعُاَف اِيْنَم اُوْطْعُاَف

учун Аллоҳнинг тавфиқи ила баъзи фарқли жойларини бир оз шарҳ қилишга уринамиз.

Бу ҳадисда Аллоҳ дунё осмонига кечанинг аввалги учдан бири ўтганида нозил бўлади, дейилмоқда. Бу аввалги ҳадисга хилоф эмас, балки нузул бўлишининг аввали кечанинг аввалги учдан бири ўтганига тўғри келади, деганидир.

Кечасидаги дуо қабул бўладиган соат эса тайинли маълум соат эмасдир. Бу соат туннинг иккинчи ярмига тўғри келиши маълум, бошқаси номаълум. Шунинг учун бу соатни топиш учун ижтиҳод қилиш керак бўлади. Бу эса албатта, доимий равишда таҳажжуд намози ўқиш билан бўлади.

САЖДАДАГИ ДУО МУСТАЖОБ

لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ مُحَمَّدٌ عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ هُوَ الْكَافِرُ الْكَافِرَاتُ الْكَاذِبَاتُ
أَعْلَى دَلَالَةِ الْأَرْثِ كَأَفْ دِحَّاسٍ وَهُوَ بَرٌّ نَمُذَّبَعُ لَانُوكِي أَمُ بَرَقَا

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Банданинг Роббисига энг яқин пайти у сажда қилганидадир. Бас, дуони кўпайтиринглар», дедилар».

Шарҳ: Намоз банданинг ўз Роббиси билан яккама-якка муножотидир.

Намоз мўминнинг меърожидир, у банданинг Аллоҳнинг ҳузурини ўзини энг хор ва энг паст тутган ҳолидир.

Сажда эса намознинг бандалик энг равшан намоён бўлиб, хорлик ва зорлик зоҳир бўладиган жойидир. Банданинг зорлиги қанчалар ошса, Аллоҳга шунчалар яқинлашади. Шунинг учун ҳам банда саждада Роббисига энг яқин ҳолда бўлади. Роббисига яқин турганда сўрагани қабул бўлиши шундан. Шунинг учун ҳам саждада кўпроқ дуо қилиш керак. Имом Муслим ва Аҳмадлар ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Огоҳ бўлингким, мен рукуъда ва саждада турган ҳолимда Қуръон қироат қилишдан наҳйи қилиндим. Аммо рукуъда Аллоҳни улуғланглар, саждада эса дуо қилишга ижтиҳод қилинглар. Ижобат бўлиши аниқдир», деганлар.

مُؤَلَّلًا؛ وَدُوحُ سِيْفِ لُوقِي نَاكَ مَلَسَوْهُ يَلَعُ لَلَا لِي صِّيْبِنَّا نَأْهَنْعُ وَ
أَمْهَ أَوْرُ هَرْسَوْهُ تَيْنَا لَعُ وَهُرْخَاوْهُ لَوَاوْهُ لَجَّوْهُ قَدْ هَلْكَ يَبْنَدِي لِرْفَعَا
دَوَادُ وَبَاوْهُ مَلَسُم

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам саждаларида :

«رَسَوُ هَتَيِنَالَعَوُ هُرْحَآوُ هَلَّوَأُو هُجَّوُ هَقُدُ هَلُّكُ يَبْنَدِي لِرْفَعَا مُهَلَلِا»

дер эдилар».

Муслим ва Абу Довуд ривоят қилганлар.

Шарҳ: Дуонинг маъноси:

«Аллоҳим, гуноҳимнинг кичигини ҳам, каттасини ҳам, аввалини ҳам, охирини ҳам, ошкорасини ҳам, махфийсини ҳам мағфират қилгин».

هَيَلَعُ هَلَلِا لَصِرْ هَلَلِا لُوسِرُ تَدَقَفُ تَلَقُ اَهْنَعُ هَلَلِا يَضَرَّهَ شَائِعُ نَعُ
هَيَمَدَقُ نَطَبُ يَلَعُ يَدِي تَعَقُ وَفُ هُتَسَمَتُلُ اَفُ شَارْفُ لَانِمَ هَلَّيَلِ مَلَسَوُ
نَمَكَا ضَرَبُ دُوعَا مُهَلَلِا لُ وُقَيَّ وَهَوَانَا تَبُ وُصُنَمَ اَمُهَوُ دِجُ سَمَلِا يَفَ وَهَوُ
كُنَّيَلَعُ اَنَّا ثِي صُحُّ اَلِ كُنَمَ كَبُ دُوعَا اَوُ كَتَبَ وُقُوعُ نَمَكَا اَفَا عُمَبَ وَا كَطَخَ س
يِرَا حُبُّ اَلِ اِلُ هَسَمُ حُلَا هَاوَرُ كَسْفَنَ يَلَعُ تَيَنْثَا اَمَكَا تَنَّا

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Бир кеча Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни кўрпада йўқотиб қўйдим. Изласам, қўлим оёқларининг остига тегди. У зот саждагоҳда эканлар, икки оёқлари тик турган экан. Ўзлари бўлса

كُنَمَ كَبُ دُوعَا اَوُ كَتَبَ وُقُوعُ نَمَكَا اَفَا عُمَبَ وَا كَطَخَ س نَمَكَا ضَرَبُ دُوعَا مُهَلَلِا ل
كَسْفَنَ يَلَعُ تَيَنْثَا اَمَكَا تَنَّا كُنَّيَلَعُ اَنَّا ثِي صُحُّ اَلِ

дер эдилар».

Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган.

Шарҳ: Дуонинг маъноси:

«Аллоҳим! Розилигинг ила ғазабингдан, офиятинг ила уқубатингдан паноҳ тилайман. Сен(инг Раҳматинг) ила Сен(инг уқубатинг)дан паноҳ тилайман. Сенга Сен Ўзингга сано айтганингдек сано айта олмайман.

Бу умматларга таълимдир.

Аввал айтганимиздек, саждада «Субҳана роббиял аъла» айтилади. Инсон нафл ва тунги таҳажжуд намозларининг саждасида хоҳлаганича дуо қилиши мумкин. Ушбу ҳадисларда келган дуоларни ёдлаб олса, яна ҳам яхши. (Ҳадис ва Ҳаёт китобидан).

Албатта тунги намозларни ўқишда қазоси бор одам ҳар куни 1 кунлик қазоларини ўқиши зарур. Бунинг учун тахминан 1 соат кифоя қилади. Мабодо қазоларини ўқиб тугатса нафл ўқийди. Валлоҳу аълам!